

етказиш вазифасини бажарадиган ҳамкорларга эътибор қаратишлари керак.

Ишлаётган технологик платформани ишлаб чиқиш - 42%, ахборот ҳавфсизлиги масалалари - 41%, мижозларнинг экотизим билан ўзаро алоқаси ва унинг бренд билан ассоциациясининг юқори сифатли тажрибасини яратиш – 38 % асосий муаммолар эди.

Мамлакатимиздаги 33 млн.дан зиёд аҳоли учун банк хизматлари сифатини ошириш, йирик банклар фаолиятига таъсир қилувчи рискларни диверсификациялаш мақсадида, самарадорлик нуқтаи назаридан банкларнинг фойда келтирмайдиган йирик филиалларидан воз кечиб, чекка хуудларни ҳам қамраб олиш мақсадида улар ўрнида бошқарув ходимларининг сони ва операцион харажатлари анча чекланган кичик банк хизматлари марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Хулоса:** Кўплаб мамлакатлар сингари, рақамли каналларни қўллаш асосида кичик шахарлар ва қишлоқларда масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали аҳолини банк хизматлари билан қамраб олишни ошириш.

Тижорат банклари фаолиятига янги технологияларни қўллаш асосида уларга таъсир қилувчи молиявий рискларни диверсификациялаш. Бунда, биринчи навбатда ташқи таъсир-

лардан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Сунъий интеллект технологияларини банк соҳасида амалга оширишда тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (Sub Tech ва Reg Tech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун қўллаш масалалари киритиш.

Шундай қилиб, банк имкониятлари ва мижозларнинг талабларини инобатга олган ҳолда рақамли технологиялардан самарали фойдаланишни ташкил этиш келгуси йилларда банк секторини рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари бўлади.

Сўнгги йилларда қизиқиш янада ошган инновацион маҳсулотлардан фойдаланиш қулайлиги туфайли рақамли технологиялар нафақат банклар, балки бутун иқтисодиёт учун улкан ривожланиш салоҳиятига эга. Рационал рақамли трансформациялар алоҳида банкларга ва кейинчалик бутун банк секторига ўз фаолияти самарадорлигини оширишга ва молия-кредит ташкилотлари ривожланишининг янги босқичига ўтишга имкон беради.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги 3620-сонли қарори.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.*
3. *Миронова Д.Д., Шершова Е.В. Развитие современных банковских технологий в условиях цифровой трансформации экономики российской федерации // Вестник Алтайской академии экономики и права. – 2020. – № 4-3. – С. 378-384;*
4. <https://www.mckinsey.com/business-functions/mckinsey-digital/our-insights/tech-forward/innovative-technologies-in-financial-institutions-risk-as-a-strategic-issue>
5. *Василько Ф.А., Чернова Е.В. Пути минимизации рисков в интернет-банкинге.// Международный студенческий научный вестник. – 2016. – № 4 (часть).*
6. <https://www.finextra.com/blogposting/17916/banks-that-can-help-reduce-financial-risks-in-a-user-friendly-way-can-compete-with-any-tech-player>
7. <https://www.cutover.com/blog/banks-innovation-reduce-risk>
8. <https://www.360factors.com/blog/bank-risk-management/>
9. <https://www.tadviser.ru/index.php>

## **ФАКТОРИНГНИ ТУРЛАРИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**Бобобеков Фарход Рустамович -**  
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси докторанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада факторинг амалиётининг турлари, қолаверса халқаро ва миллий факторинг операцияларини амалга оширишда мавжуд муаммо ва ютуқлар ҳақида таклиф ва мулоҳазаларимиз шакллантирилган. Шунингдек факторинг турлари ҳақида кенгроқ тўхталиб факторинг операцияларининг жаҳон миқёсида келтирилган рақамлар асосида таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** факторинг, дебитор, дебиторлик қарздорлиги, регресс ҳуқуқли факторинг, регресс ҳуқуқсиз факторинг, реверсив факторинг, ислом факторинги, ишлаб чиқариш, мол етказиб берувчи.

ВИДЫ ФАКТОРОВ И ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЕГО ЭФФЕКТИВНОСТИ

**Бобобеков Фарход Рустамович -**

докторант Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан

**Аннотация:** в данной статье сформированы наши предложения и комментарии по видам факторинга, а также существующие проблемы и достижения в осуществление международных и национальных факторинговых операций. Здесь также подробно рассматриваются типы факторинга и их анализ на основе мировых показателей факторинговых операций.

**Ключевые слова:** дебитор, дебиторская задолженность, факторинг с регрессом, факторинг без регресса, реверсивный факторинг, исламский факторинг, производство, поставщик.

TYPES OF FACTOR AND ITS EFFICIENCY

**Bobobekov Farxod Rustamovich -**

doctoral student of the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** this article contains our suggestions and comments on the types of factoring, as well as existing problems and achievements in the implementation of international and national factoring operations. It also discusses in detail the types of factoring and their analysis based on the world indicators of factoring operations.

**Key words:** Factoring, commercial bank, credit, accounts receivable, production, manufacturers, leasing, forfeiting, buyer, seller, debtor, business entity, financing.

**Кириш.** Ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилган маҳсулот (товар ва хизматлар) учун харидорнинг ўз вақтида тўловни амалга оширмалиги бу сотувчи ва харидор ўртасида дебиторлик қарзини вужудга келиши ва ишлаб чиқарувчининг ўз навбатида ликвидлиги камайишига олиб келади. Бу ҳолат айниқса ўтган йилдан бошланиб ҳозиргача давом этаётган SARS-Cov-2 пандемияси даврида бутун дунё бўлаб иқтисодий ҳама жабҳаларида кўрина бошланди. Мазкур муаммони мавжудлиги кўпгина хўжалик юритувчи субъектлардан қисқа муддатли молиялаштириш ва даврий ишлаб чиқариш циклини узмаслик учун бошқа алтернатив йўллари излашга мажбур қилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлари учун асосий молиялаштириш манбаси банк кредити ҳисобланса, алтернатив молиявий хизмат турларидан бири бу-факторинг ҳисобланади. Факторинг-бу молиявий хизмат тури бўлиб, бунда факторинг компания (тижорат банки) мижозлардан товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатиш жараёнида юзага келадиган дебиторлик қарздорлиги ҳуқуқини маълум бир дисконт нарҳда сотиб олишига айтилади.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Ишлаб чиқарувчилар ўзларининг дебиторлик қарздорлигини қисқартириш йўлида факторинг амалиётидан фойдаланиши бу мақбул йўллардан бири ҳисобланади. Бу борада иқтисодчи олимларнинг фикрларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Жумладан, М.В.Кутин ва Д.Н.Цветковаларнинг фикрича ривожланаётган давлатларда бутун активларнинг 20-25 % бу дебиторлик қарздорлиги ва қолган 10-15 % кредиторлик қарздорликни ташкил қилади. Бошқача айтганда активларни 4/1 қисмини дебиторлик қарздорликни

ташкил қилади[1]. Бевоқиф факторинг амалиёти ривожланишига таъсир ўтказган омиллардан бири бу ўрта асрларда текстил саноатини ривожланиши, муҳим туртки бўлган. Бу тартиб XIX-асрнинг 90-йилларигача давом этган. Айни шу йиллар саноатнинг бошқа тармоқлари (металлургия, нефт-газ, кимё, озиқ-овқат) ривожланиши асносида факторинг хизмати бу соҳаларга хизмат кўрсатишни бошлаган[2]. И.Е. Покеместев ва М.В. Леденевларнинг фикрича Халқаро амалиётда хусусан саноати ривожланган мамлакатларда айнан регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти қўлланилади[3]. Мазкур фикрга қўшимча қилган ҳолда шуни таъкидлашимиз керакки. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан асосан регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти қўлланилади[4]. Бизга маълумки факторинг шартномаси бажарилишида харидорнинг тўлов қобилияти муҳим рол ўйнайди. Бу ҳолат ривожланаётган давлатларда кўпинча муаммоли бўлиб хўжалик субъектлари регресс ҳуқуқли факторингга мурожаат қилдилар. Чунки кўп ҳолларда харидорларни тўлов қобилиятини аниқлашни имконияти бўлмайди.

**Асосий қисм.** Факторинг амалиётининг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. Факторингни қўйидаги асосий функциялари мавжуд: молиялаштириш; дебиторлик қарздорлигини бошқариш; харидорни тўлов қобилиятини таҳлил қилиш ва рискларни суғурталаш.

1. Молиялаштириш функцияси – бу сотувчи ишлаб чиқарган маҳсулот (товар ва хизматлар)ни харидорга етказгандан кейин, маълум суммани тўлов муддати келмасдан олишни англатади. Шубҳасиз факторинг амалиётининг молиялаштириш функцияси бу факторинг

шартномаси қатнашчиларига кенг имкониятлар эшигини очади:

Биринчидан, банк кредитидан фарқли ўлароқ, факторинг орқали молиялаштириш маълум вақт оралиғида амалга оширилади;

Иккинчидан, факторинг компания учун, сотувчи агар молиявий имконияти яхши бўлмаса ҳам факторинг компания (тижорат банки) учун бу унчалик аҳамиятга эга эмас, чунки дебиторлик қарздорлигини унга харидор тўлайди, сотувчи эмас.

2. Факторинг амалиётини комплекс хизматларни ўз ичига олади. Шу асосда, факторинг хизмати ўз ичига қарздор (сотувчи)нинг мижозларни тўлов қобилиятини аниқлаш ва таҳлилий маълумот йиғишдан иборат бўлса, бошқа томондан қарзларни йиғиш (коллекторлик хизмати) ва уларни камайтиришдан иборатдир. Дебиторлик қарзларини бошқариш – бу факторинг компания сотувчининг харидорга нисбатан дебиторлик қарздорлигини бошқаришини англатади. Яъни сотувчи маҳсулотни сотиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан шуғулланса, факторинг компания унинг ўрнида дебиторлик қарздорлигини жорий ҳолатини таҳлил қилиб унинг ундириш йўллари билан шуғулланади. Одатда факторинг компанияда дебиторлик қарздорлигини бошқариш ва ундириш жараёнида кенг тажриба ва мижозлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базаси шакллантирган бўлади. Шунинг учун зарур ҳолатларда факторинг компания сотувчининг сўровномаси асосида харидор тўғрисида тўлиқ маълумотни тақдим қила олади.

Ўзбекистон амалиётида факторинг опреациялари тижорат банклари томонидан бажарилишини ҳисобга олсак, мижоз ҳақида маълумот тўплаш ва дебиторлик қарздорлигини ундирилиши ҳам улар томонидан амалга оширилади[5]. Жаҳон тажрибасида эса коллекторлар, муддати ўтган қарздорликни қарздор фойдасига ундириб беришни ўз зиммасига олади, яъни қарздорлигини ундириш билан ҳам шуғулланади. Ўзбекистонда коллекторлик хизматини юридик жиҳатдан амалга ошириш имконияти мавжуд эмас. Яъни тижорат банклари томонидан берилган факторинг шартномаси асосида молиялашган суммани ўз муддатида тўланмаслик учун ҳеж қанақа пеня, фоиз ундирилмайди.

3. Факторинг компания учун харидорни тўлов қобилиятини аниқлаш функцияси. Юқорида таъкидлаганимиздек ўз фаолияти доирасида харидорлар ҳақида кенг маълумотлар базасини шакллантиришидир. Бу айниқса ривожланаётган давлатларда жуда қўл келиши мумкин, зеро уларда мижозлар ҳақида маълумот йиғиш базалари яхши ривожланмаган.

4. Рискларни суғурталаш функцияси – бу факторинг компаниясининг дебиторлик қарздорлигини харидорининг тўлов қобилиятига қараб рискларни суғурталашни англатади. Факторинг компания дебиторлик қарздорлигини таҳлил қилиб агар харидорнинг тўловга имконияти йўқлигини аниқласа у, дебиторлик қарздорлигини қўшимча равишда суғурталаши мумкин. Кўпгина Ғарб олимлари факторингни ушбу функцияси бўйича турли-хил илмий қарашларга эга эканлигини изланишларимиз давомида ўргандик. Масалан, фактор умумий суммани молиялаштиришни ўз зиммасига олган бўлса ҳам ҳеж қачон мол етказиб берувчи (сотувчига) 100% суммани тўлаб бермайди. Тўлаб берилган аванс ва асосий сумма ўртасидаги фарқ фактор томонидан захира сифатида ушлаб турилади. Бу захира тўлов муддати ичида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай вазият учун суғурта вазифасини бажариши мумкин [6].

*Факторинг турлари:* дунё тажрибасида факторинг амалиётининг (молия хизмати) турли хил шакллари мавжуд. Факторингни бевосита амалга ошириш жойига қараб иккига бўлинади. ички ва ташқи факторинг.

Ички факторинг деганда бевосита факторинг амалиётининг ҳамма иштирокчилари (факторинг компани ё тижорат банки, сотувчи ва харидор) бир ҳудуд (мамлакат)да жойлашган бўлади. Халқаро факторингда қатнашувчилар турли давлатларда туриб мазкур жараёни амалга оширадilar.

Тўламаслик rischi (кредит rischi)ни қайси томон ўз зиммасига олишига қараб факторинг кўйидагича бўлинади: регресс ҳуқуқи асосидаги факторинг амалиёти (resource factoring) ва регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти (non resource factoring).

Молиявий ривожланган давлатларда асосан регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти кенг тарқалган, бу факторинг компани (тижорат банки) қарздор дебиторлик тўлов қобилиятига эга бўлмаса унинг риск мажбуриятини молиялаштирган томон, яъни факторинг компания (тижорат банки) ўз зиммасига олишни англатади. Чунки факторинг компания (тижорат банки)да харидорнинг дебитор тўлов қобилиятига эга бўлмаган тақдирда унга нисбатан талаб қилиш (регресс ҳуқуқи мавжуд бўлмайди).

Регресс ҳуқуқида аксинча факторинг компания (тижорат банки)да дебиторнинг қарзлари бўйича тўлиқ талаб қилиш имконияти мавжуд. Хорижий ривожланган давлатларда асосан факторинг амалиёти регресс ҳуқуқисиз амалга оширилади. Масалан, Италияда 69 %, АҚШда 73% факторинг операциялари регресс ҳуқуқисиз амалга оширилади[7]. Лекин хорижий мамлакатларда ҳам кўп ҳолларда сотувчилар агар

дебиторлик қарздорлигини қайтариб олиши эҳтимоли паст бўлса, регресси факторинг амалиётига мурожаат қиладилар [8].


Регресс ҳуқуқли факторинг шартномасида мол етказиб берувчи факторинг компания (тижорат банки) билан бирга маълум рискни олади. Яъни факторинг шартномаси томонлар (сотувчи, харидор ва фактор) ўртасида тузилиб бу жараёнда харидор тўлов қобилиятига эга бўлмаса, унда сотувчи факторга молиялаштирилган суммани (шартнома асосида тўлиқ ёки маълум қисмини) қайтариб бериши керак. Сотувчи унинг мижози, ишончли ва кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилган молиявий жиҳатдан тўлов қобилиятига эга бўлса регресси факторинг шартномасини имзолаши, аҳамиятига эга. Қўшимча равишда яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш кераки, агар сотувчи харидорга шартномада кўрсатилмаган товар маҳсулотни етказиб ва унинг шартномасини факторинг компанияга сотган бўлса, унда факторинг компания ҳар қандай ҳолатда ҳам тўланган суммани сотувчидан ундиришга ҳақли ҳисобланади.

Умумий ҳолда регресси факторинг орқали сотилган дебиторлик қарздорлигини ҳуқуқини фактор харидордан ундирилмаса унда у сотувчидан талаб қилади. Ҳозирги пайтда Россия Федерациясида 80 %гача бўлган факторинг шартномалари айнан регресси факторинг шартномаларига тўғри келмоқда[3].

Ўзбекистон Республикаси амалиётида регресси факторинг амалиёти қўлланилмайди. Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан фақат регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти мавжуд[4]. Юқорида айтиб ўтганимиздек регресси факторинг амалиётида, дебиторлик

қарздорлигини харидор томонидан тўланмаслик rischi ўзаро факторинг компания (тижорат банки) ва сотувчи ўртасида бўлинади. Бу эса факторинг riskини камайтиришига олиб келади.

*Реверс факторинг (тескари факторинг амалиёти)* товар ва маҳсулотларни улгуржи шаклда олиб чакана ҳолда сотадиганлар учун тўловни кечиктириб тўлашга асосланган молиявий хизмат тури ҳисобланади. Гарчи бу хизмат тури харидорни товар маҳсулотларини молиялаштиришга йўналтирилган бўлса ҳам, лекин факторинг компания (тижорат банки) сотувчи билан шартнома тузади. Масалан, Россияда йирик товар ва маҳсулот олди-сотдиси билан шуғулланадиган: Пятёрочка, Metro Cash and Carry каби чакана сотувчилари факторинг компания (тижорат банки) билан ҳамкорлик битимларини тузишган, бу орқали ўзларининг мол етказиб берувчиларини-факторинг компания (тижорат банк) лари билан шартнома тузишга ундайдилар. Сотувчи ва фактор ўртасида тузилган шартнома бўйича харидорда қулай имконият пайдо бўлади, яъни у бир қанча улгуржи сотувчи (мол етказиб берувчи) лар билан ҳисобкитоб қилмасдан, балки битта кредитор билан ишлайди. Бу йирик хўжалик субъектлари учун вақт ва харажатларни тежашга олиб келади. Кичик турдаги мол етказиб берувчилар ҳам бу вазиятдан ютадилар, яъни уларга фактор томонидан комплекс молиявий хизмат кўрсатилади. Сотувчи молини етказиб бергандан, дарҳол ўз маҳсулоти учун нақд маблағ олади. Реверсив факторинг амалиёти қўйидаги схема кўринишида амалга оширилади:



Расм. Реверсив факторинг амалиёти [9]

1. Харидор ва факторинг компания (тижорат банки) ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб оладилар.

2. Фактор мол етказиб берувчи билан факторинг шарномасини имзолайди.

3. Сотувчи (мол етказиб берувчи) харидорга товар, маҳсулотни етказиб беради.

4. Харидор товар маҳсулот етказиб берилгани ҳақида факторга хабарнома жўнатади.

5. Фактор товар, маҳсулот учун 90% гача бўлган суммани дисконт нарҳда тўлаб беради.

6. Харидор тўлов тўғрисидаги маълумотларни факторга жўнатади.



7. Харидор етказиб берилган товар, маҳсулот учун фактор билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилади.

8. Факторнинг компания (тижорат банки) қолган суммани сотувчига тўлаб беради.

Тескари факторинг амалиётининг қулай томони бу кредиторга (факторга) ҳам харидорга қулай ҳисобланади. Яъни кредитор (фактор) кичик (мол етказиб берувчи) билан ҳамкорлик қилади, бу эса риск даражасини камайтиради. Йирик харидорларнинг ҳам тескари факторинг амалиётидан манфаатлари мавжуд. Масалан, улар ўз сотувчилари билан мақбул шартларда тўлов муддатини узайтиришлари мумкин. Бошқа томондан эса бир қанча мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилмасдан битта кредитор (фактор) билан ҳамкорлик қилишади.

Хулоса ўрнида айтишимиз лозимки Ўзбекистонда реверсив ёки тескари факторинг амалиёти тижорат банклари томонидан амалга оширилмайди. Бироқ мамлакатимизда охириги йилларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ўлароқ иқтисодий ривожлантириш, экспорт кўламини оширишга бўлган сайи ҳаракатлар ечими сифатида реверсив факторинг (Тескари факторинг амалиёти) ни мамлакатимизда қўллаш керак деб ўйлаймиз. Мисол учун, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланган савдо мажмуалари (Korzinka.uz, Makro, Atlas, Carrefour, Navas) ва уларнинг мол етказиб берувчилари билан тижорат банклари айнан реверсив факторинг тури орқали ҳамкорлик қилишни таклиф қилишлари мумкин. Бу борада Мексиканинг “Nafin” банки шубҳасиз беқиёс тажрибага эга. “Nafin” банки Мексикада давлат тасарруфидаги молиявий институт ҳисобланади. Мазкур банкнинг 2001 йилдаги факторинг улуши Мексика бўйича 2 %ни ташкил қилган бўлса, 2004 йилда факторинг амалиёти тўлиқ электрон реверсив факторинг шаклига ўтгандан сўнг бу кўрсаткич 60 %га ошган. 2009 йилга келиб бу программада 700 дан ошиқ йирик банк мижозлари қатнашган бўлиб улардан 36 % давлат секторидаги корхоналар бўлса қолган 64% хусусий сектор вакиллари бўлган. Умуман олганда 2001 йилдан то 2013 йилгача бўлган даврда \$24 млрд. доллардан ортиқ реверсив

факторинг операциялари мазкур банк томонидан амалга оширилган [10].

**Ислом факторинг амалиёти:** ислом молияси охириги йилларда нафақат мусулмон оламида балки бутун дунёда интеграциялашув жараёнида, молиявий ва воситачилик қилиш учун яхши потенциалга эга бўлиб бормоқда. Хусусан анъанавий банklar етарлича хизмат кўрсата олмайдиган ҳолларда, ислом молияси ўз хизматларини жадаллик билан тақдим қилиб келмоқда. Шариатда, бошқа динга мансуб шахслар билан савдо-сотиқ қилиш ман қилинмаганлигини ҳисобга олсак, ҳозирги пайтда кўп давлатлар ислом молиялаштириш тизимидан фойдаланиши мақсадида ислом давлатлари билан ҳамкорлик қилишда ўзининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ислом молиясига мослаштирмоқдалар.

Бу борада Халқаро Факторинг Ассоциацияси (Factor Chain International) мутахассислари исломшунос олимлар билан биргаликда ислом факторинг операциялари учун қўшимча норматив ҳужжатларни тайёрлашган. Ислом факторинги умумий Халқаро Факторинг Қоидаларидан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади[11]:

- Исломда фоиз олиш ман қилингани боис факторинг операциялари билан боғлиқ ҳар қандай дебиторлик қарздорлиги кечиктирилган (муддати тугаган) тўловлар ичида ётади.

- Баъзи товар ва хизматлар исломда ман қилинганлиги боис, ушбу маҳсулот ва хизматларга дисконт муддати бошланмасдан олдиндан ўзаро келишиб олинади.

Мурабаха (савдо битими асосидаги молиявий маҳсулот) ва факторинг ўртасида ўхшашлиги, факторинг амалиётини шариат қонунлари бўйича мақбул хизмат тури сифатида қабул қилинмоқда.

Умуман олганда дунёдаги охириги ўзгаришларни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, ислом мамлакатлари транзакциялари 2023 йилга бориб \$4 трлн.долларга етиши Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI) томонидан прогноз қилинмоқда. Бу ўсиш асносида ислом факторинг операцияларини кўламини кенгайтириши ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим (1-жадвал).


1-жадвал

Дунё бўйича факторинг айланмаси: турлари бўйича 2009-2020йй (млрд.евро) [14]

Йиллар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами: факторинг айланмаси	623	746	904	988	1046	1068	1104	1099	1104	1141	1122	954
Регресс ҳуқуқли факторинг	159	235	267	306	340	356	302	237	231	245	191	143
Регресс ҳуқуқсиз факторинг	242	283	331	352	345	372	434	481	479	483	474	494
Реверсив факторинг									50	89	139	76
Ислом факторинги												81
Бошқа факторинг турлари	222	227	305	305	361	340	368	381	344	324	317	239

Бевосита Ўзбекистон Республикасида ислом динига эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил қилишига қарамай, шу вақтгача исломий молияси кўшни мамлакатларга қараганда Ўзбекистонда деярли ривожланмаган, ваҳоланки ушбу соҳанинг ривожланишида мамлакатимиз жуда катта салоҳиятга эга. Буни йирик халқаро молиявий ташкилотлар (Ислом Тараққиёт Банки Гуруҳи, Халқаро Молия Корпорацияси, Осие Тараққиёт Банки ва б.) экспертлари томонидан эътироф этган. Шу билан бирга, сўнгги йилларда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда баъзи бир ишлар амалга оширилди. Хусусан 2020 йил бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури доирасида «Ўзбекистонда исломий молия маҳсулотлари таҳлили» бўйича амалга оширилган тадқиқот ва унинг доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, банк кредитларидан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари сифатида авваламбор, диний қарашлар, кредитлар бўйича юқори фоиз даражаси ва кредитлаштиришнинг мураккаблиги кўрсатилган бўлиб, агар мамлакатда ислом молия муассасалари ташкил этилса, юқоридаги сўровнома-

да иштирок этган қатнашувчиларнинг аксарияти ушбу муассаса хизматларидан фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлаганлар. Ҳатто, анъанавий банклар ҳам Ўзбекистонда ислом молия муассасалари ташкил қилиш, молия тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат юзага келиши, натижада мамлакатга сармоялар оқими ўсиши ва диверсификациясига олиб келиши ҳақида ўз фикрларини билдирганлар [12]. Нуфузли Халқаро ташкилотларнинг юқоридаги тадқиқотларига кўшимча қилиб айтмоқчимизки ислом молиясини Ўзбекистонда ривожланиши, кейинчалик ислом факторингни ҳам амалиётда қўлланилишига асос бўлиб хизмат қилади. Республикада ислом молиясини ривожланиши ва унга тўсқинлик қиладиган муаммоларни барта раф қилиш кераклигини Муҳтарам Президентимиз ҳам Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида айтиб ўтдилар ..«Ўзбекистонда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади» [13].



2-расм. Факторинг айланмаси: турлари бўйича 2009-2020йй (млрд.евро) [15]

Умумий ҳолда факторинг турлари бўйича ўсиш динамикаси (2009-2020) йиллар оралиғида ўсувчи бўлиб 2009 йилга нисбатан 2020 йилда 34% ўсган. Жадвал ва келтирилган графикли расмдан кўриш мумкинки факторинг турлари бўйича регресс ҳуқуқсиз факторинг амалиёти ажралиб турибди. Ушбу йилларда унинг ўсиш

динамикаси 52 %ни ташкил қилган. Ундан кейин эса регресс ҳуқуқи асосида факторинг амалиёти ўрин олган. Бу кўрсаткич мазкур оралиғ йилларда аҳамиятли равишда ўсмаган 2011-2016 йилларни ҳисобга олмаганда. Реверсив факторинг турининг қўллаш имкониятлари чекланган боис (асосан савдо ва йирик ишлаб

чиқарувчиларга майда етказиб берувчилар) жадвалдаги кўрсаткичлар ҳам паст. Ислом факторингни бўйича эса асосан Шарқ давлатларининг аксарияти фойдаланиши ва бошқа томондан FCI учун бу янги молиявий хизмат тури сифатида яқин йиллардан бошлаб ривожлантириш дастурига киритилганлиги учун фақат 2020 йил учун маълумот берилган.

Жадвал ва келтирилган график расмдан икта нарсага эътибор беришни сўрардик. Биринчидан, 2009 йил бу жаҳон иқтисодий энди молиявий инқироздан чиққан пайт бўлишига қарамасдан 2014-2016 йилларда эса нефт нархини жаҳон бозоридаги нархи кескин тушиб кетишига қарамасдан факторинг бўйича умумий кўрсаткичлар деярли ўзгармаган. Иккинчидан, 2020 йилдаги ҳисоботга қарайдиган бўлсак кўрсаткичлар кескин тушиб кетган.

Бундан хулоса қилсак бўладикки факторинг амалиётини ривожланишига 2007-2009, 2014-2016 йиллардаги молиявий ва иқтисодий инқирозлар деярли таъсир қилмаган. Лекин 2020 йилдан бошланиб ҳозиргача давом этаётган SARS-Cov-2 пандемияси сезиларли даражада таъсир ўтказган.

**Хулоса.** Изланишларимиз натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари факторинг амалиётини амалга оширишда ўз мижозларини ҳақида маълумот йиғишда, ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас. Бу борада бизни таклифимиз кўйидагича Република миқёсида Факторинг ассоциациясини ташкил этиш ва мижозлар ҳақида ягона базани яратиш, бу эса ўз навбатида тижорат банклари учун риск даражасини камайтиришга ёрдам беради.

Биринчидан, изланишларимиз давомида, регресс ҳуқуқсиз факторинг амалиёти асосан ривожланган давлатларда кенг қўлланилиши ва буни бир нечта сабаблари мавжудлигини кўрдик:

1. Ривожланган давлатларда информация шаффофлик юқори бўлиб, бу факторинг компанияларга ўз мижозлари ҳақида етарлича маълумот йиғишга имкон беради.

2. Ривожланган мамлакатларда факторинг компаниялари тор соҳада (масалан, текстил, пойафзал маҳсулотлари, савдо ва бошқ) фаолият олиб борадилар. Бу тажриба уларга мазкур соҳани кенг ва чуқур ўрганишга имкон беради.

3. Факторинг амалиётида бошқарув менджменти, ва факторинг бўйича ҳуқуқий норматив ҳужжатларни кенг қамровли ва қолаверса Миллий Ассоциациялар ва Халқаро Факторинг Ассоциациялар билан яқин ҳамкорлик қилиш регрессли факторингни амалга оширишда ўз самарасини беради.

Бироқ Ўзбекистонда юқорида айтиб ўтганимиздек регресс ҳуқуқсиз факторинг амалиёти қўлланилади. Фикримизча, мазкур амалиётни бир қанча камчиликлари мавжуд. Жумладан: тижорат банклари факторинг амалиётини бажариш жараёнида ўз мижозлари ҳақида етарлича маълумотлар базасини ярата олмаслиги.

Иккинчидан, тижорат банкнинг регресс ҳуқуқсиз факторинг амалиётини бажаришда харидорни тўлов қобилиятини пастлиги тижорат банклари учун юқори даражадаги риск ҳисобланиб жорий активларда дебиторлик қарздорлиги лигини ортишига олиб келади.

Мамалакатимиз тижорат банклари томонидан ўз муддатида молиялаштирилган суммани сотувчи ва унинг мижози томонидан қайтарилмаслиги бу тижорат банкларига маълум рискни келтириб чиқаришини ўргандик. Бу борада ушбу рискларни минималлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан факторинг операцияларига хос бўлган юқори даражадаги хатар муносабатларини тижорат банклари томонидан ҳар ойда активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантиришлари лозим [16].

Факторинг амалиёти молиявий хизматлардан ташқари қарздорликни баҳолаш ва коллекторлик хизматини амалга оширишини бир қатор қулайликлари мавжуд. Биринчидан, ушбу хизматларни кўрсатишда у иқтисодий жиҳатдан маблағ ва вақтдан ютади. Яъни кўп сонли мижозлар билан ишлаш жараёнида унда мижозлар ҳақида улкан тажриба ва маълумотлар базаси йиғилади ва фактор бу борада доимий харажатларни қисқартиришига эришади. Бундан ташқари факторинг мижозларини кичик ва ўрта бизнес вакиллари ташкил этишини ҳисобга олсак уларнинг аксарияти мазкур амалларни бажариш имкониятига эга эмас. Бошқа тарафдан хўжалик субъектлари кўпинча ишлаб чиқариш бўйича катта тажриба эга бўлса-ҳам молиявий муаммоларга келганда оқсаб қоладилар.

Учинчидан, факторинг компаниялар (тижорат банки) лари фаолияти давомида мижозлар ҳақида катта маълумотлар базасига эга бўлади ва маълумотларни маълум ҳақ эвазига бошқа керакли кредит муассасаларига сотиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Ўзбекистон Республикасида юридик жиҳатдан тижорат банклари ташқари бошқа кредит ташкилотларини факторинг амалиёти билан шуғулланишига рухсат мавжуд. Лекин амалда фақат тижорат банклари бу амалиёт билан шуғулланади. Бу борада бизнинг таклифларимиз:

- қонунчилиғни такомиллаштириб мустақил факторинг компанияларига ҳам фаолият юритишига рухсат бериш керак. Бу ўзаро рақобатни кучайтирса, бошқа томондан хизмат кўрсатиш сифати ва таннархини арзонлаштиради.

- тижорат банкларимиз Халқаро Факторинг Ассоциациясига интеграциялашувини жадаллаштириш керак, зеро экспорт ва импорт

операцияларини факторинг ёрдамида амалга ошириш тижорат банклари ва хўжалик субъектлари ларига кенг имкониятларни очади[17].

- ўрганишлармиз натижасида ривожланаётган давлатларда асосан регресс ҳуқуқи асосида факторинг амалиёти қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам регресси факторингни жорий қилишни таклиф этамиз.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. М.В.Кутин, Д.Н.Цветкова “Дебиторская задолженность: возникновение и способ управления” *Journal of Economy and Business*. pp-13-15. Vol.10-2(56), 2019
2. Ф.Бобобеков. “Факторинг моҳияти, назарий асослар ва тушунчалар” 12-22б. Тошкент: “Молия ва Банк иши” электрон журнали 1-сон, 2020йй.
3. И.Е. Покаместов, М.В.Леденев “Факторинг” учебное пособие Москва: ИНФРА-М. 87стр. 2013г
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудда факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 августда 953-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган (хужжат амалда ўз кучини йўқотган)
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” Тошкент ш., 2019 йил 5 ноябрь, ЎРҚ-580-сон.
6. Leora Klapper. “The Role of Reverse Factoring in Supplier Financing of Small and Medium Sized Enterprises”. pp-1-32. Development Research Group the World Bank Washington, DC. 2004
7. M.H. R. Bakker, L.Klapper, G. F. Udell “Financing Small and Medium-size Enterprises with Factoring: Global Growth in Factoring—and Its Potential in Eastern Europe”. ISBN 83-89188-17. pp-1-50. The World Bank, Poland, Warsaw Office Edition I, Warsaw 2004
8. Ben J. Sopranzetti “The Economics of Factoring Accounts Receivable” pp-1-21. *Journal of Economics and Business* 1998, Elsevier Science Inc., New York.
9. Ўрганилган адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси.
10. J. C. Moreno-Brid, E. P. Caldentey, Laura Valdez (2017) “Changing Challenges in the Modernization of Development Banks in Latin America: The case of Nacional Financiera, Mexico’s key Development Bank” pp-30 [https://www.networkideas.org/wp-content/uploads/2017/05/02\\_2017.pdf](https://www.networkideas.org/wp-content/uploads/2017/05/02_2017.pdf)
11. [www.fci.nl/en](http://www.fci.nl/en). Халқаро Факторинг Ассоциацияси маълумотлари асосида.
12. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/8289-zbekistonda-islom-moliyasi> Маълумотлари асосида.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси “Халқ сўзи” 30.12.2020й №276
14. [www.fci.nl/en](http://www.fci.nl/en). FCI Annual review 2018 Халқаро Факторинг Ассоциацияси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
15. [www.fci.nl/en](http://www.fci.nl/en). FCI Annual review 2018 Халқаро Факторинг Ассоциацияси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқомишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган
17. Ушбу мақолани ёзиш жараёнида АТБ “Капиталбанк” Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI)га аъзо бўлганлиги маълум қилинди. [https://kapitalbank.uz/ru/press\\_center/news/akb-kapitalbank-stal-chlenom-mezhdunarodnoy-factoringovoy-assotsiatsii/?sphrase\\_id=69293](https://kapitalbank.uz/ru/press_center/news/akb-kapitalbank-stal-chlenom-mezhdunarodnoy-factoringovoy-assotsiatsii/?sphrase_id=69293)

**ВЛИЯНИЕ ВНЕШНЕГО ДОЛГА НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ:  
ЭМПИРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ НА ПРИМЕРЕ СТРАН АЗИИ**

**Арифханов Алаутдин Джалалханович -**

заместитель директора департамента Центрального банка РУз

**Арифханова Хабиба Шухратовна -**

эксперт ООО “Norma Hamkor”

**Аннотация:** В данной статье исследуется взаимосвязь между уровнем внешнего долга и экономическим ростом в случае 20 стран Азии с невысоким уровнем доходов - 4 стран Центральной Азии и 16 других азиатских стран с невысоким уровнем доходов. В этой статье мы используем квадратичную регрессию для панельных макроданных с 1995 по 2017 год, полученных из баз данных Всемирного банка и ООН, чтобы найти предел, при котором внешнее заимствование начинает оказывать негативное влияние на экономический рост. Эмпирические результаты показывают существование перевернутой U-образной зависимости между уровнем внешнего долга и ростом ВВП на душу населения. Средний пороговый уровень внешнего долга варьируется между странами, включенными в выборку, примерно от 40 до 65 процентов ВВП.

**Ключевые слова:** внешний долг, темп роста ВВП на душу населения, регрессионная модель с фиксированными эффектами